

---

## ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ ТАШАББУС



### ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ ТАШАББУС

Аввал хабар берганимиздек, Сух тумани АТ Халқ Банкида Президентимиз томонидан илгари сурилган эзгу ташаббуснинг амалий ижроси сифатида “Саховат ва кўмак” Жамғармасининг ҳисоб рақамлари очилди. Ҳар би р фуқаро ўз хоҳиши билан ушбу ҳисоб рақамларга миллий ва хорижий валютада ҳомийлик маблағларини ўтказиши мумкин. Аслида, бир-бирига ёрдам бериш, ташвишли кунда мададгор бўлишдек яхши фазилат бизнинг халқимизга хос. Айни коронавирус пандемиясига қарши курашиш даврида, рўзайи рамазон айёмида хайр-саховат ишларини амалга ошириш инсонийликнинг ёрқин далилидир.



"Агробанк" акциядорлик тижорат банки Сух тумани филиали барча ишчи-ходимлари ўз хоҳиш иродалари билан ташаббус кўрсатиб, беш кунлик иш ҳақларини 15 399 000 сўм миқдорида "Саховат ва кўмак" Жамғармасининг ҳисоб рақамига ўтказиб беришди. Албатта, бундай эзгу амал ва ташаббусдан қанчадан-қанча эҳтиёжманд оилалар баҳраманд бўлади.

Сух тумани ҳокимлиги туманимиз фуқаролари номидан банк раҳбарияти ва ходимларига ушбу савобли иш учун миннатдорчилик билдиради.

**Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2020-04-25 18:26:09